

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ДАРСЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Юсупов Муҳаммад Махмудович,
А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси
ўқитувчиси, Ўзбекистон**

Аннотация. Ушбу мақолада таълим тизимига янгича ёндашув асосида технология дарсларида касб-ҳунарга йўналтириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг мазмуни ёритилган. Шунингдек, дарс жараёнида турли хил ўйинлардан фойдаланиш ўқувчилар томонидан мавзуларнинг самарали ўзлаштирилишига хизмат қилиши ҳақида гап боради.

Таянч сўзлар ва тушунчалар: касб, ҳунар, касбий ўйинлар, қизиқтириш, босқич, мактаб, ахборот, муассаса, технология, дидактик ўйинлар.

Бизга яхши маълумки умумтаълим муассасаларининг ўқувчиларида касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш, йўналтириш, уларнинг касб-ҳунарни онгли равишда ва тўғри танлашига қўмаклашиш масаласи таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Технология дарсларида ўқувчиларни касб-ҳунар танлашга қизиқтиришга оид билим бериш масаласини чуқур ўрганиш, илмий-услубий қўлланмалар ва тавсиялар яратиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш борасида ҳали жуда кўп ишлар қилиниши лозимлиги кўрсатилган. Шу сабабли умумтаълим муассасаларининг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда технологик таълим жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунар танлашга йўналтириш, технологик таълим жараёнининг узвийлигини таъминлаш, замонавий педагогик технологиклардан ўринли фойдаланиш ва таълим-тарбия жараёнида касб-ҳунарга йўналтириш бўйича юқори самарадорликка эришиш

Ўқитувчиларга муҳим вазифаларни юклайди. Ҳозирги кун ўқитувчиси ўқувчилар келажакда тўғри касб-хунар танлашлари учун мутафаккирларнинг илмий адабиётлари ва асарларидаги касб-хунар ва технологик фаолияти тарихини ўргатувчи омилларга таяниб таълим тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсоният кадр-қимматини меҳнатда, билимда, хунарга таянишда, бировга хор бўлмасликда деб билган Саъдий шундай таълим беради:

Ўз меҳнати орқали нон еган киши, Ҳотам миннатидан озод ёз-киши.

Юқорида тилга олинган улуғ мутафаккирларнинг меҳнат тарбияси ва касб-хунар тарбияси борасида айтган сўзларидан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, инсон дунёга келар экан, ўз ҳаёти мобайнида инсоний кадр қимматга эга бўлиши керак. Зеро, меҳнат қилган, касб-хунарли инсон бировга қарам бўлмайди, яъни меҳнат қилиш орқали инсон ўзининг эҳтиёжини қондиради. Мактаб ўқувчиларининг касб танлаш муаммосига оид кўплаб тадқиқотлар бажарилган, хусусан, Н.Шодиев, Б.Мирзаахмедов, П.Мазгунов, Н.Муслимов, Э.Чориев, Ш.Шарипов, Қ.Боймиров, О.Маъдиев, У.Нишоналиев, К.Давлатов, С.Умаровларнинг ишларида касб танлаш тизимининг фақат моҳияти аниқланиб қолмасдан, балки баъзи қирралари назарий жиҳатдан асослаб берилган. Ўқувчи шахсининг касбий йўналтирилишини шакллантириш бўйича улар билан махсус иш олиб бориш муҳимлиги аниқланган. Тўғри касб танлаш инсоннинг келажакдаги ҳаёт тарзини белгилашда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ёш авлод ўз касбини қизиқиши, қобилияти, ижтимоий нуқтаи назардан келиб чиқиб танлайди. Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир. Ўқувчиларда касбий ўзликни англашни шакллантириш даврида аниқ бир касбни танлашнинг шахсий маънога эгаллигини тушуниб этиш хислатларини шакллантиришдан иборат. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг асосий мақсади ёшларни ўзининг ҳаёт йўлини тўғри белгилашларида ўз қобилиятлари, қизиқишлари ва мойилликларини ҳамда ижтимоий

эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашларида кўмаклашишдан иборатдир. Бизнинг жамиятимиз ҳар бир шахснинг қобилиятлари тўлиқ намоён бўладиган, юқори самара билан ишлай оладиган фаолият ва шарт-шароитлар билан банд бўлишига катта эътибор бераётганини кўришимиз мумкин.

Умумтаълим мактабларининг касб-хунарга йўналтириш ишининг мақсад ва вазифаси шу ҳудуд эҳтиёжи учун зарур касблар, касб-хунар коллежларининг мавжуд соҳа йўналишларига ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тавсия беришдан иборат. Касблар тўғрисида ахборот беришда ўқувчиларни турли хил технологик турлари, касблар шажараси, касбларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тартибсиз маълумот бермаслик учун ўқувчилар оладиган билимларни маълум бир тизимга солиш лозим. Касблар ҳақида ахборот бериш ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши зарур.

Шунингдек ўқувчиларни касб-хунар ҳақидаги фикрлари ва тафаккурларини шакллантиришга самарали таъсир этадиган «Дебат», «Тармоқлар» (Кластер) каби интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришиш мумкин. «Дебат» усули асосида ўқувчилар билан келажакда қандай касб эгаси бўлишни хоҳлашлари ва танлаган касбларининг ўзига хос хусусиятлари, нима учун шу касбга қизиқишлари ҳақида суҳбат олиб борилади. «Мен келажакда қурувчи (шифокор, ўқитувчи, муҳандис, учувчи) бўлмоқчиман» мавзусида ташкил қилинган суҳбат натижасида ўқувчиларнинг касблар ҳақидаги тушунчалари кенгаяди, касбга бўлган қизиқишлари ортади, ўз мақсад, орзуларини амалга ошириш учун илк қадамлар кўйилади. «Тармоқлар» усули фикрларнинг тармоқланишидан иборат бўлиб, ўқувчиларни мавзунини чуқур ўзлаштиришларига ҳамда мавзуга тааллуқли аниқ фикрларни жамоа бўлиб, эркин равишда, кетма-кетлик билан, бир-бирига узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади. Касблар ҳақида маълумот бериш, касб танлашга йўллаш, касб-хунар асосларини ўрганишга йўналтиришни турли ўйинлар орқали амалга ошириш ҳам катта аҳамиятга

эга. Ушбу ўйин жараёнида ўқувчи-ёшларнинг вақтини тўғри ташкил қилиш, уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, касб-хунарга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилиши билан бирга уларнинг дарс жараёнида ўзлаштирилган назарий билимларни янада чуқурлаштириш ва амалиётда қўллай олиш кўникмасини қарор топтирувчи жараён саналади. Ўқувчиларнинг турли касб-хунарга йўналтириш ишларини фақат дарс жараёнида ҳал этиб бўлмайди. Касб-хунарга йўналтириш ишларининг оммавий, индивидуал, гуруҳли шаклларда ташкил этиш ўқувчиларнинг касблар ҳақида тасаввурларини кенгайтиради ва касб танлашга қизиқишларини шакллантиради. Хусусан, технология дарсларида ўқувчиларни касб-хунар танлашга қизиқтириш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидаги муҳим вазифа эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, чунки бу долзарб масалани ҳал этиш учун таълим муассасалари, айниқса, технологик таълим дарсларида ва синфдан ташқари ишларнинг замонавий шакл ва усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Касб танлашга йўллаш ишининг муваффақиятли олиб борилишига ёрдам берувчи турли маданий-оммавий тадбирлар ўқувчиларнинг келгусида касб-хунарни тўғри танлашларида катта ёрдам беради. Масалан, «Касблар дунёси», «Касб танлашда шахсий ва жамоат фикри» мавзусида мунозаралар уюштириш, кинофильмларни муҳокама қилиш шулар жумласига киради. Касб-хунар инсонни шахс бўлиб шакллантиришга ёрдам беради. Аждодларимиз ёшларни меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, оталаримиздан бориб, турли касб-хунарларни эгаллаш, уларда технологик муносабатларини камол топтириш, келажак ҳаётга тайёрлашни ўзларига муҳим вазифа деб ҳисоблаганлар. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки технологик таълимнинг бош мақсади ўқувчиларни технологик ва касбий фаолиятга тайёрлаш, жамиятимиз фаровонлиги учун фидойи ёшларни тарбиялашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 357 б.
- 2.Мавлонова Р.А., Санакулов Х.Р., Ходиева Д.П. Технологик ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.
- 3.Санакулов Х., Ходиева Д., Санакулова А. 2–3 синф. «Технологик таълим» дарслиги. – Т.: «Шарқ», 2012.
- 4.Ксензова Г.Ю. Оценочная деятельность учителя. Учебно-методическое пособие-М; Педагогическое общество Россия, - 2001-128 с.
- 5.Шодиев Н.Ш. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. – Т.: «Ўқитувчи», 1987. –232-б.